

# Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Сайид  
Муҳаммад Али  
Кенгесбой Каримов  
Иқбол Мирзо  
Қаҳрамон Қуронбоев  
Минҳожиддин Мирзо  
Сайфиддин Рағиддинов  
Фармон Тошев  
Исајон Султон

Хайриддин Султонов  
Акмал Саидов  
Махмуд Тоир  
Гулистон Матёкубова  
Шерзод Ирзоев  
Нурбой Жабборов  
Кавсар Турдиева  
Шуҳрат Маткарим  
Адҳамбек Алимбеков

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Дилфузा Қўзиева

Адабиётшунослик бўлими мудири – Муҳаммад Исмоил





# НАЗАРИЯ, ТАҲЛИЛ ВА ТАДҚИҚОТ БИРЛИГИ

Orзигул ҲАМРОЕВА

Ўзбек адабиётшунослигига ўз ўрнига эга олим Ҳамидулла Болтабоев мумтоз адабиёт, мумтоз поэтика илми билимдони сифатида тадқиқотларининг асосини илмий-назарий билимга қурган. Маълумки, мумтоз адабиёт ва унинг манбалари таҳлили мумтоз шеъриятга оид илмий-назарий билимларга эга бўлишни талаб қиласди. Бу борада олимнинг деярли барча тадқиқотларида айни тамойил устуворлик қиласди. Олимнинг илмий фаолиятига назар ташланадиган бўлса, фаолиятнинг тизимли равишда беш йўналиш асосига қурилганига гувоҳ бўлиш мумкин:

1. Жадидчилик ҳаракати ва унинг тарихи, манбалари [4, 5].
2. Абдурауф Фитрат илмий ва адабий фаолияти [1, 2, 3, 4, 5].
3. Тасаввуф ва унинг манбалари.
4. Мумтоз шеърият илми, манбалари [6, 7, 8].
5. Адабиётшунослик: адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқид

Ҳамидулла Болтабоев томонидан эллик йиллик илмий фаолияти давомида шу беш йўналиш асосида ўттизга яқин монография, ўқув қўлланма, уч юздан ортиқ илмий мақола тақдим қилинган. Бу мақолаларда бугунги кун адабиётшунослиги учун муҳим бўлган илмий муаммолар, баҳслар, мулоҳазаларга ечим берилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, олимнинг барча тадқиқотларида доимий амалда бўлган қуйидаги тамойиллар кўзга ташланади:

1. Илмий манбалар тадқиқида қиёс усулидан фойдаланиш;
2. Бадиий адабиётга қайси нуқтаи назардан ёки назарий йўналишдан келиб чиқиши ёндашилишига кўра мавжуд тизим ва концепциялардан тўлиқ фойдаланиш;
3. Манбалардаги илмий-назарий қонуниятларни эмас, адабий-бадиий жараён қонуниятларидан келиб чиқсан холда таҳлил қилиш, бадиий матн бирламчилигини юзага чиқариш;
4. Тадқиқот обьекти юзасидан умумлашма илмий хulosалар чиқариш.

Маълумки, Шарқ адабиётшунослигига мумтоз шеърият илми: балоғат, адаб илми, илми сегона: аруз, қоғия, бадиият илмига оид арабий, форсий, туркий

**Orзигул ҲАМРОЕВА** – филология фанлари доктори, профессор. 1987 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг Ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “XX аср бошлари матнишунослиги тараққиётидаги Фитрат маъжмуаларининг ўрни”, “Темурийлар давридаги поэтика оид рисолаларда қоғия илмининг қиёсий таҳлили”, “Фитратнинг адабиётшуносликка оид қараашлари” номли илмий монографиялар, “Мумтоз қоғиянинг назарий асослари” номли ўқув қўлланма муаллифи.

рисолаларнинг яратилиши, уларнинг бадий адабиётда аксланиши адабий анъана сифатида XII–XX аср бошларига қадар амалда бўлган. Демакки, бу рисолаларнинг тадқики мумтоз матнларни тўғри англаш ва тушунишда муҳим манба сифатида эътиборга молик. Ҳамидулла Болтабоев “Шарқ мумтоз поэтикаси” мажмусида ана шу манбалар матни билан танишириш баробарида, уларнинг илмий тавсифи, шарҳи ва изоҳлар воситасида илмий қонуниятларнинг моҳиятини ишлаб чиқсан [6, 7].

Шарқ мумтоз шеъриятига оид рисолалар таркибан бадий сўзнинг табиати, шоирлик таърифи, сурат ва маъни бирлиги, адабий тур ва жанрлар, шеър навълари, шеър тузилиши, аruz илми, бадиият илми, қофия илми, тил одоби, бадий нутқ ва услуб масалаларига бағишлиланган бўлиб, “Шарқ мумтоз поэтикаси” мажмуасида ҳам шу анъанага амал қилинган ҳолда манбалар таснифланган. Олим ҳар қисм учун алоҳида сўзбоши ёзган. Бу сўзбошиларда танланган илмнинг юзага келиш эҳтиёжи, шаклланиши, тараққиёти, манбалари борасида илмий хulosалар тақдим қилинган. Маълумки, шеърият илмининг тарихан илдизи балоғат илмига бориб туташади. Балоғат илмига бағишлиланган рисолаларда сўзнинг табиатини тушуниш моҳиятни англашнинг бирламчи воситаси ўлароқ асосий марказий ўринни эгаллаган. Шу боис олим бадий сўз табиатни очиб берувчи дастлабки манбалар сифатида араб, форс манбалари билан параллел равишда юонон, араб манбаларига, ҳатто жоҳилия давридаги ҳалқ оғзаки ижоди намуналарига эътибор қаратади, Абу Наср Форобийнинг “Шоирнинг шеър ёзиш санъати қонунлари ҳақида”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Низомий Арузий Самарқандийнинг “Нодир ҳикоялар”, Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойик”, Сайфи Сароййнинг “Гулистон бит-туркӣ”, Абдураҳмон Жомийнинг “Силсилат уз-заҳаб”, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аббор”, “Назмул жавоҳир”, Фурқатнинг “Шоир аҳли ва шеър муболагаси хусусида”, Фитратнинг “Шеър ва шоирлик”, “Адабиёт қоидалари”, Абдураҳмон Саъдийнинг “Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари” рисола ва илмий мақолалардаги сўзнинг имконияти ва табиатини очиб берувчи фикрларни қиёсий ўрганади, шу асосда илмий хulosаларни тақдим қиласди. Олим бу манбаларда илмий-назарий қарашларни қиёслаш орқали дунёнинг икки қутби: Шарқ ва Ғарбдаги адабий-назарий тафаккур дурданаларини йиғиб, изчил тизимга солиши ва бунинг натижасида яхлит бир адабиёт назариясини яратишни мақсад қилгани кўзга ташланади.

Ҳамидулла Болтабоев туркий арузшуносликнинг пайдо бўлиш эҳтиёжи сабабларини тақдим қилиш асносида аruz илмининг шаклланиши, тараққийси, арабий, форсий манбалар, уларнинг фарқли жиҳатлари, аruz илмидаги ўзгаришлар ва янгиликлар борасидаги илмий қарашларни тақдим қиласди экан, бу тасниф изчиллик асосида аruz илмининг асосчиси Халил ибн Аҳмаддан бошланиб, Абул Ҳасан ибн Саид Ахфаш, Надр ибн Шумайл, Ибн Канноса, Асмай, Али Райхоний, Қосим Салом, Аҳмад Бахийлий, Ибн Саккит, Ибн Кутайба, Абул Аббос Саълаб, Ибн Жинний, Ибн Сарроҷ, Ҳасан ибн Рашиқ, Абу Ҳилол Аскарий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Махмуд Замахшарий, Юсуф Саккокий, Шамсиддин Қайс Розий, Носириддин Тусий, Шамс Фахрий, Воҳид Табризий, Юсуф Азизий, Абдураҳмон Жомий, Сайфий Бухорий, Аҳмад Тарозий, Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур, Зокиржон Фурқат, Абдурауф Фитрат каби арузшуносларнинг манбалари асосида аruzий атамалар, уларнинг маънолари, аruz илмидаги баҳр ва вазнлар, аruz доиралари каби масалалар қиёсий тақдим этилган. Олимнинг бу илмий-назарий таснифлаш тамойили амалий жиҳатдан

## Орзигул ҲАМРОЕВА

манбалар тақдимотида кўзга ташланади. Масалан, Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балога” асарининг аruz қисмига оид маълумотларни тақдим этиш чорига муаллиф келтирган арузшунослар номи ва асарларининг илмий тавсифини ва уларнинг таркибий тузилиши борасида маҳсус изоҳ орқали илмий маълумотларни тақдим этади, изоҳталаб сўзлар изоҳини, уларнинг илмий маънолари хусусида тўхталади. Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балога” асари туркий адабиётдаги шеърият илмига оид дастлабки манба сифатида бугунги кунга қадар адабиётшунослар мурожаат этаётган асосий манбалардан бири саналади. Ҳамидулла Болтабоевнинг адабиётшунос Жалолиддин Жўраев билан биргаликда бу китобнинг янги нашрини амалга ошириши ҳам олимнинг “Фунун ул-балога” асарига мурожаат этиш кўлами ва ўзбек адабиётшунослиги учун бу асарнинг қай даражада аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Олим тадқиқотларида қофия илми, унинг назарий асослари масаласи етакчи ўринга эга. Ҳамидулла Болтабоев қофия илмини шеърият қадимишлиги мезонлари билан ўлчайди. Яъни шеърият сингари қофия илмининг қадимишлигини исботлайди. Ритмик бўлаклар, арузий истилоҳлар, вазний имкониятлардан илгари пайдо бўлган оҳангдош сўзлар табиатига эътибор қаратади. Илми қофиянинг илк назарий асосларини араб манбаларидан қидиради, шеърият учун асос қилиб олинган унсурларнинг аввали сифатида қофияни эътироф этади. Олим қарашларини асослаш мақсади билан Ибн Кутайба, Кудама ибн Жаъфар, Ибн Халдун, Асмай каби олимларнинг шеър илми, унинг таркибий унсурлари борасидаги қарашларини келтиради. Шуни таъкидлаш керакки, афсуски, араб ва форс тилидаги мумтоз поэтикага оид аксар манбаларимиз ҳалигача ўзбек тилига таржима қилинмаган.

Қофия назарияси нафақат Шарқ, балки Ғарб адабиётида ҳам шеъриятнинг бир бўлаги сифатида алоҳида тадқиқ этилади. Табиийки, бу икки адабиётдаги қофия назарияси ва амалиёти бир-биридан тубдан фарқ қиласи. Ҳамидулла Болтабоев тадқиқотларида шу икки адабиётдаги қофия илмининг ўрганилиши қиёсланади, И.В.Стеблеванинг араб-форс қофиясига оид, И.Ю.Крачковскийнинг араб поэтикасига оид, Б.Сируснинг тожик адабиёти қофиясига оид, В.В.Котетишвилининг форс классик қофиясига оид, Р.Мусулмонқуловнинг форс-тожик қофиясига оид, А.Азернинг форс қофиясига оид, В.М. Жирмунский, Д.Самойлович, М.Л.Гаспаровларнинг рус қофиясига оид тадқиқотлари таҳлилга тортилади. Шу асосда Шарқ мумтоз шеъриятида мухим ўрин тутган қофия илми ҳозирга қадар турли йўналишларда ўрганилгани, унинг назарий жиҳатлари ва амалий имкониятлари очиб берилгани очиқланади.

Ҳамидулла Болтабоев тадқиқотларида адабий тур ва жанрлар ва уларнинг шаклланиши, тараққиёт босқичлари, трансформацияси, мутацияси каби масалалар етакчи мавзулардан биридир. Бу борада олимнинг бир қанча рисолалари ва илмий мақолалари илм аҳлига маълум. Хусусан, олимнинг Фитратнинг “Адабиёт қоидалари” рисоласи тадқиқига бағишланган монография, илмий асарларида, жаҳон адабиётшунослиги тарихига бағишланган дарслигида, жаҳон адабиётшунослигининг адабий-эстетик тафаккури тадқиқига бағишланган дарсликларида, Шарқ мумтоз поэтикаси материалларини илмий таснифлаган мажмуаларида, наср ва услуг масаласига бағишланган илмий ишларида бош мавзу сифатида белгиланган.

Бадиият масаласи балогат илми таркибида шаклланган шеъриятнинг энг қадимги илмларидан бири бўлиб, Ҳамидулла Болтабоев тадқиқотларининг асосий обьектларидан биридир. Тадқиқотларнинг аксарияти санъат номини

олган бадиийлик воситалари фақатгина шеър безаги эмас, балки шоир ниятини ўқувчига етказувчи восита эканлигини исботланган. Олим бадиият масаласида дастлаб Абдуллоҳ ибн Мұтаззнинг “Китоб ул-бадиъ” асарига мурожаат этади. Бадиият хақидаги дастлабки қарашлар баробарида унинг илм сифатида шакланиш даврига қадар яратилған манбалар олим назаридан четда қолмаган. Олим манбалардаги бадиий санъатлар таснифидаги муаллифларнинг ўзига хос таснифлаш тамойилларини тадқиқ этар экан, мұмтоз адабиётшуносликда энг қадимги илм турларидан саналған илми бадиъ доимо янгиланишда ва таракқиётда деган хulosага келади.

Адабиётшуносликдаги ҳар илм бир-бiri билан чамбарчас боғлиқ. Поэтик илmlар мұмтоз манбаларнинг нашр этилишида ҳам ўз самарасини беради. Ҳусусан, Ҳамидулла Болтабоевнинг “Тазкиралар зикри” асари ҳам бу борада фикримизнинг исботи бўла олади. Олим Шарқ адабиётида яратилған тазкираларни даврий жиҳатдан таснифлар экан, уларнинг таркибий қисми билан таништириш асносида шоирлар ижодига, уларнинг адабий меросига мурожаат этади, муаллифларнинг шоирларга берган таърифу таснифларини изоҳлайди, адабий мухитлар борасида илмий хulosаларни келтиради.

Хulosа қилиб шуни айтиш мумкинки, Ҳамидулла Болтабоев мұмтоз поэтика назариясига оид бир қанча тадқиқотларнинг муаллифи сифатида ўзбек адабиётшунослигига ўз ўрнига эга. Олимнинг бу тадқиқотлари мұмтоз матнлар нашрини амалга оширишда, уларни таҳлил этишда, мұмтоз поэтикага оид рисолалар ва уларнинг илмдаги аҳамиятини белгилашда, поэтикага оид илмий назарий, амалий қонуниятлар билан танишишда мухим манба вазифасини ўтайди.

### Аннотация

Тадқиқотчилик тамойиллари ва йўналишлари ҳар бир олимнинг илмий салоҳияти баробарида илмий услуби асосида шаклланади, такомиллашади, даврлар оша маълум қонуният сифатида шаклланиб, шу йўналишдаги бошқа бир тадқиқот ва илмий ишлар учун умумий тамойилга айланиши ҳам мумкин. Демакки, бир олим томонидан бошлаб берилған илмий йўл сайқалланиб, илмий мактаблар учун асос бўлиши мумкин. Мақолада йирик адабиётшунос, адабиётшуносликда ўз илмий мактабини яратади олим Ҳамидулла Болтабоевнинг мұмтоз поэтикага оид тадқиқотлари шарҳланади.

### Annotation

Принципы и направления исследований формируются и совершенствуются на основе научного метода каждого ученого в соответствии с научной компетентностью, они могут стать общим принципом для других исследований и научных работ в этом направлении. Итак, научный путь, начатый одним ученым, может быть усовершенствован и стать основой научных школ. В статье рассматриваются исследования классической поэтики Хамидуллы Болтабоева, крупного литературоведа, учёного, сумевшего создать собственную научную школу в литературоведении.

### Annotation

The principles and directions of research are formed and improved based on the scientific method of each scientist according to the scientific competence, they can become a general principle for other research and scientific works in this direction. So, the scientific path started by one scientist can be polished and become the basis for scientific schools. The article reviews the researches of classical poetics of Hamidulla Boltaboyev, a great literary critic, a scientist who was able to create his own scientific school in literary studies.

# Шарқ йолдузи

2024

6-сон

Муассис:

## ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

\* Муаллифлар фикри  
тахририят ижодий жамоаси нуткай  
назаридан фарқланиши мумкин.  
Тахририята юборилган  
материаллар муаллифларга  
қайтарилмайди.

МУНДАРИЖА	
БАРХАЁТ СИЙМОЛАР	
Ўлмас УМАРБЕКОВ.	Мұхаббат қүшиғи. Ҳикоя.....4
НАЗМ	
Ботиржон ЭРГАШЕВ.	Сен умрим китобин йўзгача боби.....8
Рислигой ҲОТАМОВА.	Юрагим оқланар оппок кордайин.....17
Гулжамол АСҚАРОВА.	Кошки эди кўксимнинг зангларини юволсам.....59
Шодмонқул САЛОМ.	Шоирлар шамолнинг авлодлариридан.....68
НАСР	
Наби ЖАЛОЛИДИН.	Мерос. Қисса.....20
Нормурод НОРҚОБИЛОВ.	Ёнгин. Ҳикоя.....74
Даврон УЛУФМУРОД.	Сумалак. Ҳикоя.....117
Дилшода САИДОЛИМОВА.	Учуб келган кушлар. Қатралар.....119
МАЪРИФАТ ГУРУНГЛАРИ	
Хайриддин СУЛТОН,	Ситора ТОЖИДДИНОВА.
“Сўзумни ўқуб, англагайсен ўзумни...”.....79	
ЁШЛАР ИЖОДИ	
Ислом АЛИ.	Суратингни чизиб боряпман.....100
Махлиё ХУРРАМОВА.	Мен интизор эдим йўлингга.....104
Ситора НАИМЖОНОВА.	Ахтариб келасан хали вакт ўтиб.....107
МУЛОҲАЗА	
Маъмура ЗОҲИДОВА.	Оламда сўз бор экан токи....123
ТАҲЛИЛ	
Орзигул ҲАМРОЕВА.	Назария, таҳлил ва тадқиқот бирлиги.....110
Дилобар ЖЎРАЕВА.	Ўлмас Умарбеков ижодида барқарор бирикмалар.....159
МУТОЛАА	
Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА.	Мехр истаб.....114
ҚАРДОШЛАР АДАБИЁТИ	
Сўна АББОСАЛИ қизи.	Сўз хоқони. Роман.....128
ТАДЌИҚОТ	
Азимжон ҒАФУРОВ.	Аллоҳ бирлигини билиш ва билдириш китоби.....85
Тошпўлат ТУГАЛОВ.	Адабий мерос.....162
БОЛАЛАР АДАБИЁТИ	
Хуршида ҲАМРОҚУЛОВА.	Хотираға осон ўрнашади.....90
БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ	
Фарҳод ЭШНОВС.	Қўргон. Ҳикоя.....156
ГУЛҚАЙЧИ	
Нуриддин ЭГАМОВ.	Вижонга ҳавола.....171
BOLALAR DUNYOSI	
Po'lat XUDOYBERGANOV.	Chumchuq qanday sakraydi.....168
Niginabonu AMIROVA.	Mehmon bo'ldi qaldirg'och.....169
Адабий ҳаёт.	.....174

Журнал ОАК эътироф этган  
нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек  
адабиёти” ихтиослиги бўйича  
рўйхатига кирилтилган.

\* Журналга обуна даврий  
нашрларни етказиб бериш  
билиан шугулланувчи барча  
ташкilotлар орқали амалга  
оширилади.

Обуна индекси – 911

### Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри,  
Бунёдкор шоҳхўча, Адиблар хиёбони,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
биноси.

Телефонлар:

71231-23-67, 71231-23-68 903721438  
[www.sharqyulduzi.uz](http://www.sharqyulduzi.uz)  
e-mail: [sharqyulduzi@mail.uz](mailto:sharqyulduzi@mail.uz)  
[sharqyulduzi1931@mail.ru](mailto:sharqyulduzi1931@mail.ru)

Босишга руҳсат этилди:

18.08.2024

Қоғоз бичими 70x108  $\frac{1}{16}$   
Офсет босма усулида оғозида  
босилди. Босма табоги 11,0.  
Шартли босма табоги 15,4.  
Нашриёт хисоб табоги 17,2.  
Адади 5200 нусха.  
Буюртма № 32

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигига 05.02.2016 й.  
0562-ракам билан рўйхатга олинган.  
“DAVR MAXSIMUM MEDIA” МЧЖ  
матбаат корхонасида чоп этилди.

### Корхона манзили:

Тошкент шаҳар Олмазор тумани  
Шифокорлар шаҳарнаси, 15 уй.  
Журнал ойда бир марта  
чоп этилади.

Муҳаррирлар:

Дилфузা Маҳмудова

Байрам АЛИ

Ислом АЛИ

Мусаҳҳих:

Моҳира Ҳусанова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Аҳрор Маликов

Copyright © “Шарқ йолдузи”